

« 06 » 12 2022 йил

Андижон вилояти

Учкўприк туман «Мега Строй Учкўприк» МЧЖ бундан буён «ПУДРАТЧИ» деб юритилувчи амалдаги низомга асосан ҳаракат қилувчи бошлиқ шахсидан Ж.Раҳмонов ва Андижон вилоят Фтизиатрия ва пульмонология маркази директори «БУЮРТМАЧИ» деб юритилувчи амалдаги низомга асосан ҳаракат қилувчи директор шахсидан Ф.Насриддинов ушбу шартномани қуйидагилар тугрисида тузадилар.

### 1. ШАРТНОМА МАЗМУНИ.

1.1 « ПУДРАТЧИ » уз кучи, транспорт воситалари ва механизмлари билан «БУЮРТМАЧИ» га қарашли Андижон вилояти Фтизиатрия ва пульмонология маркази бинолари том қисми ёғочларига ёнгина қарши қимёвий суюқлик билан ишлов бериш ишларини белгиланган талабларга асосан тўлиқ бажариш мажбуриятларини уз зиммасига олади.

#### 2. « БУЮРТМАЧИ » НИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

2.1 «БУЮРТМАЧИ» га қарашли «Андижон вилояти Фтизиатрия ва пульмонология маркази бинолари том қисми ёғочларига ёнгина қарши қимёвий суюқлик билан ишлов бериш ишларини бажаришни « ПУДРАТЧИ » га топширади.

2.2 « ПУДРАТЧИ » га ўз вақтида аванс тўловларини олгандан сўнг шартнома шартларида кўрсатиб ўтилган ишларни белгиланган муддатда бажариб беради.

2.3 « ПУДРАТЧИ » томонидан бажарилган ишларни «БУЮРТМАЧИ» назорат қилиб боради ва хизмат тўлиқ кўрсатилгандан кейин тегишли туман Фавқулотда вазиятлар бўлимининг хулосаси асосида тугалланган ишларни қабул қилиниб борилишини таъминлайди.

#### 3. « ПУДРАТЧИ » НИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1 « ПУДРАТЧИ » уз кучи, асбоблари, механизмлари билан шартномага илова қилинувчи смета ва жорий таъмир лойиҳаларига мувофиқ амалдаги амалдаги техник шартларга риоя қилинган ҳолда хизмат кўрсатиш ишлари мажбуриятини ўз зиммасига олади.

3.2 « ПУДРАТЧИ » хизмат кўрсатиш давомида техника хавфсизлиги, меҳнат хавфсизлиги, атроф муҳитни муҳофазалаш қоидалари асосида ташкил қилади.

3.3 « ПУДРАТЧИ » хизмат кўрсатиш ишларини аванс тўловлар амалга оширилгандан сўнг 3 кун ичида бошлайди ва танлов шартлари ва баённомасига мувофиқ белгиланган муддат ичида «06» декабр 2022 йилдан «16» декабр 2022 йилгача тугаллайди ва туман Фавқулотда вазиятлар бўлимининг хулосаси ҳамда далолатномаларга асосан «БУЮРТМАЧИ» мутахассисларига топширади.

### 4. ШАРТНОМА БАХОСИ.

4.1. « ПУДРАТЧИ » бажариши керак бўлган Андижон вилояти Фтизиатрия ва пульмонология маркази бинолари том қисми ёғочларига ёнгина қарши қимёвий суюқлик билан ишлов бериш ишлари қиймати жорий нархларда **31 500 000** (Ўттиз бир миллион беш юз минг) сумни ташкил қилади.

4.2 Шартнома қиймати ўз ичига КМИ материаллар баҳоси тафовути ва ҚҚСни ўз ичига олмайди.

### 5. ТУЛОВ ШАРТЛАРИ.

5.1 Ушбу шартнома буйича «БУЮРТМАЧИ» томонидан « ПУДРАТЧИ » ҳисобрақамига 30% аванс туловини утказиб беради.

5.2 Тулов шакли « ПУДРАТЧИ » томонидан Ф-2, Ф-3 ҳужжатларини тасдиқлангандан сўнг солиштирма далолатномаси ва ҳисоб фактурага асосан «БУЮРТМАЧИ» « ПУДРАТЧИ » нинг ҳисоб рақамига тугридан тугри пул утказиб беради.

5.3 Шартнома буйича охириги ҳисоб-китоб иш тулик тамомлангандан сўнг 10 кундан кечиктирмай «БУЮРТМАЧИ» томонидан амалга оширилади.

## 6. МАЖБУРИЯТЛАРНИ БАЖАРИШ МУДДАТЛАРИ.

- 6.1 « ПУДРАТЧИ » ушбу шартномани 1-булимида назарда тутилган ишларини 10 кун муддатда бажаради.
- 6.2 « БУЮРТМАЧИ » « ПУДРАТЧИ » томонидан бажарилган ишга бажарилган ишлар ҳужжатлари тула тасдиқлангандан сунг ҳақ тулайди, ёки ёрдамчи « ПУДРАТЧИ » нинг розилик хатига асосан « ПУДРАТЧИ » дан мавжуд булган қурилиш материаллари билан ҳисоб-китоб қилинади.
- 6.3 Шартнома «06» декабр 2022 йилдан «31» декабр 2022 гача амал қилади.

## 7. ТАРАФЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ.

- 7.1 « ПУДРАТЧИ » Уз кучи техника воситаси билан календар иш режа ёнида назарда тутилган барча ишларни тула ҳажмда ва муддатда бажариши ва тегишли лойиха ҳужжатларидаги ҳолатда ишларни « БУЮРТМАЧИ » га меёрий ҳужжатлар талабига ва қоидалар асосида топшириш:
- 7.2 Объектга лойихага биноан булган материалларни конструкцияларини бутловчи ашёларни етказиб бериш ва уларни қабул қилиш тушириш тахлаш ҳамда саклашни амалга ошириш:
- 7.3 Ушбу шартнома буйича ишларни бажариш учун жалб қилинадиган махсус ташкилотлар билан субподряд шартномаси тузганини туғрисида « БУЮРТМАЧИ » га ахборот бериш ва у томонидан ишларни бажарилиши юзасидан назоратни таъминлаш.
- 7.4 Техника хавфсизлиги, ёнгин хавфсизлиги ва объектни қурилиши буйича зарур чора тadbирларини бажарилишини таъминлаш:
- 7.5 « ПУДРАТЧИ » назорати туловларидан келиб чиккан ортикча иш ҳақи ҳажми учун жавоб бермайди.
- « ПУДРАТЧИ » (елланма) ташкилотлар узлари бажарган иш ҳажмлари учун узлари жавоб бериш мажбуриятини олади.
- 7.6 « БУЮРТМАЧИ » Календар иш режаси белгиланган ҳажмда ва муддатда ҳажми « ПУДРАТЧИ » га топшириш;
- 7.7 У шартномани 1-булимида назарда тутилган ишлар шартномада белгиланган миқдорда ва муддатда « ПУДРАТЧИ » га ҳақ тулаш;
- 7.8 « ПУДРАТЧИ » дан ёзма хабарнома олган санадан бошлаб 2 ҳафта ичида объектни қабул қилиш мажбуриятларини олади.

## 8. ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

- 8.1 Тарафлар шартнома буйича мажбуриятларни бажариш муддатларини бузганлиги учун айбдор тараф бошқа тарафга кечиктирилган ҳар бир кун учун шартнома баҳосининг 0.5% ҳисобида пеня тулайди лекин шартноманинг 2,1 бандида курсатиб утилган сумманинг 50 % дан ошмаслиги керак.
- 8.2 Тарафлардан бири ушбу шартнома буйича мажбуриятларни бажармаган ёки лойиха даражада бажармаган ҳолларда айбдор тараф бошқа тарафга бой берилган фойдани қушиб қурган зарарни қоплайди.
- 8.3 Пеня тулаш тарафларни мажбуриятларини бажариш ёки бузилиш ҳуқуқий бартараф этишдан озод этмайди.

## 9. ФОРС-МАЖОР ХОЛАТЛАРИ

- 9.1 Тарафларни биронтаси ҳам ушбу шартнома буйича олган мажбуриятларини тарафларни эрки ва истагидан ташқари пайдо булган ва уларни олдиндан қура билиш ёки бартараф этиш мумкин. Булмаган ҳолатлар бундан уруш эълонқилиниши ёки амалда бошланганлиги фуқоралик тартибсизлиги, вабо тарқалиши, блокада, эмбарго, эр кемириши сув тошқини ёнгинни ва бошқа табиий ҳолатлар билан боғлиқ ҳолда бажармаганлиги учун жавобгар булмайди.
- 9.2 Бартараф қилиб булмайдиган қучларнинг мавжудлиги ёки амалда давом этмаганлиги Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг шунга оид қарорлари ёки бошқа ваколатли органлари томонидан берилган гувоҳномалар унинг етарли даражасидаги тасдиғи ҳисобланади.
- 9.3 Уз мажбуриятларини бажармаган тараф шартнома буйича мажбуриятни бажармаган тараф шартнома буйича мажбуриятни бажаришининг таъсир курсатиш ёки монелик қилиш туғрисида бошқа тарафга имконқадар тез хабар бериш лозим.

9.4 Агар бартараф қилиб булмайдиган кучлар 3 ой давомида мунтазам таъсир этаётган бўлса ва тугаш белгилари аниқланмаса ижара берувчи шартнома бекор қилиши мумкин.

### 10. НИЗОЛАРНИ ХАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ.

10.1 Тарафлар уртасида ушбу шартнома буйича ёки у билан пайдо булган барча низолар ёки келишмовчиликлар тарафлар уртасида музокара йули билан хал қилинади.

10.2 Агар келишмовчиликлар музокара йули билан хал қилиб булмаса, улар конун ҳужжатларида белгиланган тартибда иқтисодий судида қурилиши лозим бўлади.

### 11. ШАРТНОМАГА ҚУШИМЧА ВА УЗГАРТИРИШЛАР КИРИТИШ ТАРТИБИ.

11.1 Ушбу шартнома ҳар қандай киритиладиган қушимча ва узгартиришлар ёзма равишда расмийлаштириб ҳар икала томон имзолаган ҳоллардан сунг конуний кучга эга бўлади.

11.2 «БУЮРТМАЧИ» қуйидаги ҳолларда шартномани бекор қилишга ҳақлидир:

11.3 « ПУДРАТЧИ » нинг айби билан ишларни боришини сусткашлик билан муддати 1 (бир) ой ун (10) кунга ошиб кетганда.

11.4 « ПУДРАТЧИ » нинг шартнома шартларини бузиш натижасида курсатилган ишларини сифати пасайганда.

11.5 « ПУДРАТЧИ » қуйидаги ҳолларда шартномани бекор қилишга ҳақли;

11.6 «БУЮРТМАЧИ» томонидан « Хизмат кўрсатувчи » га боғлиқ булмаган сабаблар буйича қурилиш-монтаж ишларининг боришини 1 ойдан ошадиган муддатга тухтатиб турганда;

11.7 «БУЮРТМАЧИ» томонидан лойиха ҳужжатларини узгартиришлар киритиш билан боғлиқ ҳолда ишларни баҳоси 50% кунига камайганда.

11.8 «БУЮРТМАЧИ» томонидан кейинчалик қурилиш молиялаш имконияти йукотилганда.

11.9 «БУЮРТМАЧИ» « ПУДРАТЧИ » нинг биргаликдаги қарори буйича шартнома бекор қилинади. «БУЮРТМАЧИ» эса « ПУДРАТЧИ » га улар томонидан аниқланган бажарилган ишлар ҳажми қийматини тулайди.

11.9.1 Шартнома бекор қилишга қарор қилган тараф бошқа тарафга ёзма хабарнома юборилади.

### 12. БОШҚА ШАРТЛАР.

12.1 « ПУДРАТЧИ » амалдаги тартиб ва қоидалар буйича бажарилган ишлар сифатига 1-йил муддатга кафолат беради. Ушбу бандга риоя қилинмаган ҳолларда бажарилган ишлар шартномавий қийматининг 2 баробари микдорида жарима тулайди.

12.2 Ҳар иккала томон Ўзбекистон Республикаси конунлари доирасида фаолият курсатадилар.

10.3 Мазкур шартнома «31» декабр 2022 гача амал қилади.

### 13. ТАРАФЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА ТУЛОВ РЕКВИЗИТЛАРИ.

#### « ПУДРАТЧИ »

«MEGA STROY USHKO'PRIK»

Манзил: Фарғона вилояти Учқўприк тумани

Кичик кенгас МФЙ Миришкор қишлоғи

Х/р: 20208000205555447001

Банк номи: ХАБ ТРАСТБАНК Фарғона филиали

МФО: 01123

СТИР: 309766994

Тел/факс: +99899-895-80-58



Раҳбар:

Ж.Раҳмонов

#### « БУЮРТМАЧИ »

Номи:

ANDIJON VILOYATI FTIZIATRIVA VA PULMONOLOGIYA MARKAZI

ANDIJON VILOYATI, ASAKA TUMANI, YANGI XAYOT YANGISOR

Bank: 01100221860032297073201059001

МФО: INN: 200237514 ХХТUT: 91513

ИНН: 200237514 ХХТUT: 91513

U'ZB. RESP. MO'LIYA VAZIRLIGI G'AZNACHILIGI

HIR: 23402000300100001010

MARKAZIY BANK TOSHKENT SH. BOSH BOSHQARMASI XKKM

MFO: 00014 STIR: 201122919



Раҳбар:

Ф.Насриtdинов

Handwritten signature of F. Nasritdinov.